



Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali “Jamoat salomatligi va umumiy gigiyena” kafedrasi mudiri, Ibadulla Qochkarovich Abdullayevning 70 yilligiga bag‘ishlangan “Sog‘liqni saqlash tizimida menejmentning zamonaviy muammolari va istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman 2025-yil 20-21 oktabr

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТИББИЁТ ОЛИЙГОХЛАРИДА МАРКЕТИНГ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Доцент Т.О. Раҳмонов, доцент Ш.Д. Каримбоев,
PhD катта ўқитувчи К.Р. Мирзарахимова
Альфраганус университети олий таълим ташкилоти
Тиббиёт факультети ички касалликлар кафедраси
Нуралиева У.М.

Тошкент давлат тиббиёт университети
Микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси PhD ассистенти

Аннотация

Менежмент - махсус бошқариш фаолияти. Менежмент фанининг мазмуни бошқарув тизими ва бошқарув объекти орасидаги ўзаро муносабат бўлиб, унинг асосий вазифаси бошқарувнинг замонавий усуллари, раҳбарлик санъати сирларини ўрганишдан иборат.

Калит сўзлар: Менежмент, танлов, тиббий хизмат кўрсатиш

Аннотация

Менежмент – это особая управленческая деятельность. Содержание науки управления составляет взаимодействие системы управления и объекта управления, а её главная задача – изучение современных методов управления, секретов искусства управления.

Ключевые слова: Управление, отбор, медицинская помощь

Annotation

Management is a specific managerial activity. The science of management focuses on the interaction between the management system and the object of management, and its primary objective is the study of modern management methods and the secrets of the art of management.

Key words: Management, selection, medical care

Бошқарув — танлов, қарор қабул қилиш ва унинг бажарилишини назорат этиш жараёнидир. Унинг асосий мақсади бозор муносабатлари шароитида барча бўғинларда ишлай оладиган юқори малакали бошқарувчиларни тайёрлашдан иборат. Менежмент ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқий, кибернетика ва бошқа фанлар билан алоқадордир. Менежмент даставвал иқтисодий назария фани билан яқиндан боғлиқ. У иқтисодий қонунларни билиб олишга ва уларга мос равишда бошқариш жараёнида иқтисодий усулларни қўллашга, ҳар бир ходимга ва жамоага таъсир кўрсатишга асосланади. Бир қанча иқтисодий фанлар: макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт, статистика, меҳнат иқтисодиёти кабилар ҳам менежмент фани билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистонда менежментнинг назарий асослари ва унинг асосий тамойиллари IV—XV асрлардан Амир Темур даврида шакллана бошлаган. Буюк саркарда «Темур тузуклари» асарида давлат, қўшин ва бошқаларни бошқариш санъати тўғрисида ўз қарашларини баён этиб, изоҳлаб берган. Менежмент фанининг назарий асосини бир неча юз йиллар давомида тўпланган амалий тажриба натижалари ташкил этади, уларни назарий жиҳатдан асослаб турли хил концепциялар, назарий ғоялар, иш принциплари ва услублари ишлаб чиқилган. Аммо алоҳида фан соҳаси сифатида Менежмент IX асрга келиб шакллана бошлади. Бошқариш фанининг асосчиси — америкалик муҳандис ва тадқиқотчи Ф. Тейлор ҳисобланади. Бошқариш тамойилларини Тейлорнинг замондоши француз олими Анри Фай-оль ишлаб чиқди. Корхонада амалга оширилаётган барча операцияларни у олти гуруҳ (техника, тижорат, молия, мол-мулк ва шахсларни қўриқлаш, ҳисобкитоб, маъмурий) га



Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali “Jamoat salomatligi va umumiy gigiyena” kafedrasi mudiri, Ibadulla Qochkarovich Abdullayevning 70 yilligiga bag‘ishlangan “Sog‘liqni saqlash tizimida menejmentning zamonaviy muammolari va istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman 2025-yil 20-21 oktabr

бўлиб, бошқаришни 6-гуруҳга киритади. Менежмент ёки бошқаришнинг объекти корхона фаолияти, унинг субъекти эса бошқариш ишини бажарувчи идоралар ва уларнинг ходимларидир. Менежмент билан махсус тайёргарлик кўрган, бошқаришнинг конунқоидаларини чуқур биладиган малакали мутахассислар — ёлланма бошқарувчилар — менежерлар шуғулланадилар. Улар аҳолининг алоҳида ижтимоий қатламини ташкил қилади. Менежментнинг юқори (фирма стратегиясини ишлаб чиқиш), ўрта (ишлаб чиқариш, сотиш, наrx белгилаш, меҳнатни ташкил қилиш), қуйи (цех, бўлим доирасида ишни ташкил қилиш, кунлик, ҳафталик, ойлик иш топшириклари бажарилишини бошқариш) бўғинлари бор. Шунга мувофиқ ҳолда менежерлар олий мартабали, ўрта тоифадаги ва қуйи тоифадаги менежерларга бўлинади.

Айрим тадқиқотлар менежментни кишилардан нафли самаралар олиш санъати, деб ҳисоблайдилар. Мукаммал менежментнинг ҳос белгилари: фаолиятга, изланишга тарафдорлик; оддий тузилма ва кам сонли ходимлар; истеъмолчига яқинлик; унумдорликни таъминлашда инсоннинг ҳал қилувчи ўрни, тадбиркорликни рағбатлантирувчи мустақил идора қилиш ҳуқуқи; асосий фаолият турига бирламчи эътибор; Ҳаммадан кўра яхшироқ таниш бўлган соҳага киришиш; эркинлик ва кучли назоратни биргаликда қўллаш. Фирмаларнинг менежмент тизими умумий менежмент, функционал менежмент, молиявий менежмент, маркетинг иши, ходимлар ишини бошқариш ишлаб чиқариш. Менежмент назарияси ва амалиёти эволюцияси турли хил қарашларда ўз ифодасини топди. Масалан, XX-асрнинг 50—60 йилларида асосий эътибор бошқаришнинг ташкилий тузилишига қаратилган бўлса, 60—70-йилларда стратегик режалаштиришдан стратегик бошқаришга ўтиш даври бўлди. XX-асрнинг ўрталарига келиб менежмент Ўзбекистонда тез суръатлар билан ривожланди. Услубий, амалий ва ташкилий ишлари республикада менежмент фанининг ривожланишига асос бўлди. XX - аср охири — XXI - аср бошларида, Ўзбекистонда махсус фан сифатида олий ўқув юртларида ўқитила бошланди, менежментга доир тадқиқотлар йўлга қўйилди, дарсликлар ёзилди.

Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш тизими, соғлиқни сақлашнинг асосий тамойиллари, соғлиқни сақлаш муассасаларининг номенклатураси, соғлиқни сақлашда олиб борилаётган ислохотларни эътиборга олган ҳолда соғлиқни сақлаш менежменти, унинг асосий функциялари: ташкилот, режалаштириш, мотивлаштириш ва назорат, соғлиқни сақлашга, тиббиёт олийгоҳларига раҳбарлик қилиш, ходимларни бошқариш, соғлиқни сақлашда ахборот ва коммуникация, соғлиқни сақлаш иқтисодиёти масалалари катта эътибор бериш керак. Соғлиқни сақлаш тизимида объект сифатида нафақат ташкилотлар ва уларда ишловчи ходимлар, балки уларга мурожат этувчи-мижозлар, беморлар, субъект сифатида эса соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатувчи раҳбарлар ва мижозларга тиббий ёрдам кўрсатувчи тиббиёт ходимлари эканлигини эътиборга олиб коммуникацияда врач этикаси ва деонтологиясига алоҳида катта эътибор берилган. Республикадаги ҳамма тиббиёт олийгоҳларида соғлиқни сақлаш менежменти билан шуғулланувчи тиббиётда ташкилотчи раҳбарлар, менежерлар ҳам катта тажрибага эга бўлиши шарт.

Бизга маълумки ўтган асрнинг ўрталарида менежмент ер шарининг ривожланган мамлакатларида фан сифатида пайдо бўлган шу билан биргаликда Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш учун етарли билимлар ва кўникмалар берувчи, ушбу соҳанинг бўлажак менежерларини тайёрлаш, амалиётда самарали фаолият олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистоннинг ўзига ҳос хусусиятларидан, менталитети, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий шарт шароитлардан келиб чиқиб, шундай соғлиқни сақлаш тизими яратилди. Тиббиёт соҳасида ишловчи ва соҳага раҳбарлик қилувчи, соҳанинг юқори ва қуйи поғонасигача фаолият кўрсатувчи тиббиёт ходимлари менежмент асосларини чуқур таҳлил қила билишлари лозим. Чунки ташкилотда икки киши бўлса (врач, тиббиёт ҳамшираси-мижоз) у ерда замонавий ва сифатли менежмент мавжуд бўлиши керак. Шу сабабли ҳам соғлиқни



Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali “Jamoat salomatligi va umumiy gigiyena” kafedrasi mudiri, Ibadulla Qochkarovich Abdullayevning 70 yilligiga bag‘ishlangan “Sog‘liqni saqlash tizimida menejmentning zamonaviy muammolari va istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman 2025-yil 20-21 oktabr

сақлаш тизими учун “Соғлиқни сақлаш менежменти” фани тиббиёт олий таълим тизимида, олий маълумотли шифокорларни, юқори малакали соғлиқни сақлаш менежерларини тайёрлашда муҳим ўрин эгаллайди. Менежмент фани, унинг мақсади Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш тизимини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари, уларда олиб борилаётган ислохотлар, эришилган натижалар, анъанавий менежмент функциялари, ҳокимият, раҳбар, йўл бошчи – лидер ва ходимларни бошқариш ҳамда соғлиқни сақлашда коммуникация масалаларига алоҳида ўрин берилган. Ушбу фан дунёнинг ривожланган мамлакатлари каби республикамиз тиббиёт олий ўқув юртларида ҳам ўзининг тегишли ўрнини эгаллайди ва умумий амалиёт врачлари, етук ташкилотчилар ва соғлиқни сақлаш тизими муассасаларига раҳбарлик қилувчи ва бошқарувчи мутахассисларни тайёрлашда ҳамда соғлиқни сақлашда олиб борилаётган ислохотларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси тиббиёт олийгоҳларида қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда тиббиётда тиббий фирмаларни ташкил этиш ва менежментнинг ташкилий тузилиши катта аҳамиятга эга. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир сармоядор киши ўзини бизнесини очиб фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишига алоҳида эътибор бериб, жуда катта кредитлар ажратмоқда, бу эса Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнеснинг жадал ривожланишига олиб келади.

Тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам кичик ва ўрта бизнес ривожланиб келмоқда. Ҳар бир ташкил этилган тиббий хизмат кўрсатиш фирмаларининг бозор иқтисодиёти шароитида рақобатдошлигининг таминланиши уларнинг қандай ва қаерда ташкил этилиб, ташкилий тузилишининг шакилланганлигига боғлиқдир.

Фирмани ташкил этиш учун авваломбор маълум муқдорда пул, яъни сармоя керак. Буни қуйидагича ҳал қилиш мумкин :

- Ўз маблағини ишлатиш йўли билан
- Шерикчилик йўли билан
- Банк ва бирон-бир ташкилот, бизнес фанларидан қарз олиш йўли билан.

Бизнесмен фирма очиш учун маълум миқдорда устав фондини шакилантиргандан кейин фирманинг низомини тузишга киришади.

Фирманинг низоми – бу фирманинг асосий юридик ҳужжати ҳисобланади. Фирманинг низомида асосан, қуйидагиларни ва равшан ифодаланиши керак:

фирманмнг номи ва манзилгоҳи, эмблемаси, фирманинг ташкил этиш учун сармоясини қўшган хиссадорлигининг аниқ паспорт маълумотлари, хиссадорлар бўлса, лар қўшган сармоя миқдори, фирманинг асосий вазифалари яъни фирма клажакда нима ишлар қилиши кераклиги, қандай ҳолатларда фирмани тарқатиб юбориш мумкинлиги ҳақидаги сабаблар, бизнесмен ёки хиссадорларнинг имзоси ва мухири. Юқоридагилардан ташқари маълумотлар бўлса ҳаммаси низомда баён тариқасида кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир.

Бизнесмен қуйидаги НИЗОМ ва бошқа керакли ҳужжатларни олиб, уни қуйидаги ташкилотларда қайд қилади. Ҳокимият, солиқ идораси, ички ишлар бўлими, банк ҳисоб рақамлари очилади. Бозор иқтисодиёти шароитида, тиббий фирма ва корхоналарнинг ташкилий тизими шу фирманинг доимий ртвожланиб боришига асосий заминлардан бири бўлиб ҳисобланди. Ишчи ва хизматчиларнинг турли туман ишларни қай даражада бажара олишига қараб тиббий корхоналарнинг қай даражада иқтисослаштирилгани аниқланади. Юқори даражали иқтисослашган тиббий корхоналар ҳозир Ўзбекистонда тез қўпайиб ва ривожланиб бормоқда. Тиббий хизмат кўрсатиш корхоналари ҳар доим ўз фаолиятини бозорга мослаб ривожлантириб боради.

Демак, хулоссага тўхталадиган бўлсак, бозор иқтисодиёти шароитида фирма ва ташкилотларнинг, корхоналарнинг бошқарув тизими юқоридан белгиланмайди, балки шу тиббий фирмаларнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади. Давлат таълим стандарти, ушбу



Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali “Jamoat salomatligi va umumiy gigiyena” kafedrasi mudiri, Ibadulla Qochkarovich Abdullayevning 70 yilligiga bag‘ishlangan “Sog‘liqni saqlash tizimida menejmentning zamonaviy muammolari va istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman 2025-yil 20-21 oktabr

ишларни ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, давлат Қонунлари, соғлиқни сақлаш соҳасига бевосита ва билвосита алоқадор бўлган ҳукумат қарорлари ва дастурлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруқлари ва йўриқномаларига асосланган .

Тиббиёт институтлари магистрант-талабалари, профессор ўқитувчилари, балки соғлиқни сақлаш менежменти билан шуғулланувчи ташкилотчи раҳбарлар, менежерлар ҳам кенг билимларга эга бўлишлари керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мескон М., Альберт М., Хедоури Ф., Основы менеджмента М: 2002.
2. Шарифхужаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент Т – 2011.
3. Солиев А., Усмонов А. Маркетинг, Тадбиркорлик, бизнес, бозоршунослик. Т., Ўқитувчи, 1997 й.
4. Байзақов М., Аллаёров Я. Маркетинг ва менежмент асослари. Т., Абу Али ибн Сино. 2000й.

